

“Темирйўлинфратузилма” АЖ

“Кўнғирот МТУ” филиали

бошлиғи ўринбосари

Н.Б.Джаббарберганов

“ 29 ” 06 2026й.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси З.Ғ.Нарзуллаевнинг 2026 йил 15 майдаги “Жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш тўғрисида”ги 136-УН сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича, Қорақолпоғистон Республикаси Амударё туманидаги тош майдалаш корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар билан бўлиб ўтган сайёр учрашувнинг
13 - сонли БАЁНИ

«29» 06 2026й.

Амударё тумани

Мажлисги раислик этувчи: “Кўнғирот МТУ” филиали бошлиғи ўринбосари
Н.Б.Джаббарберганов

Иштирок этди: “Темирйўлкарго” АЖ Кўнғирот филиали бошлиғи
И.М.Уразбаев
Джумуртау станцияси бошлиғи А.Юлдашов

Таклиф қилинди: Амударё тумани худудида тош майдалаш карёр
корхоналари вакиллари жами 14 киши

КУН ТАРТИБИДА:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси З.Ғ.Нарзуллаевнинг 2026 йил 15 майдаги “Жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш тўғрисида”ги 136-УН сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ВИ очик мулоқотига пухта тайёргарлик кўриш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан тадбиркорларнинг мурожаат, муаммо ва таклифларини тизимли ўрганиш ҳамда жойида хал хал қилиш

Эштилди: Корхона ва ташкилот тадбиркорлар вакиллари

Сўзга чиқди: Н.Джаббарберганов.

МАЖЛИСДА АНИҚЛАНДИ:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси З.Ғ.Нарзуллаевнинг 2026 йил 15 майдаги “Жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш тўғрисида”ги 136-УН сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, Қорақолпоғистон Республикаси Амударё туманида маҳаллий йўналишидаги юк жўнатувчи ва юкни қабул қилувчиларни темир йўлда юк ташишга кенг жалб қилиш ва юк ортиш ҳажмини янада ошириш ҳамда йўқотилган юкларни темир йўлга қайтариш мақсадида, кичик ва катта ҳажмда ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари билан учрашув ташкил этилиб, учрашувда бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, “Қўнғирот МТУ” филиали бошлиғи Н.Б.Джаббарберганов сўзга чиқиб, юк ташишда темир йўл транспортининг авфзалликлари ва қулайликлари тўғрисида тўхталиб ўтди ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2026 йилда маҳаллий, импорт ва экспорт йўналишларида эълон қилинган чегирмалар тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Учрашув давомида юк жўнатувчилар томонидан қуйидаги таклифлар берилди:

“Жайхун қурилиш моллари” МЧЖ томонидан шебень маҳсулотини маҳаллий юналишда ортишда берилган талабнома асосида вагон билан ўз вахтида таъминлаш суралди:

“Джумуртау Шебень” МЧЖ томонидан Джумуртау станциядан ортилган вагонлар турип қолиши, уз вахтида манзилига етиб бормаятганлиги, қурилиш ишлари учун шебень маҳсулоти зарурлиги ва уз вахтида етказиб беришини суради.(срок доставка)

Ўз навбатида “Қўнғирот МТУ” филиали бошлиғи ўринбосари Н.Б.Джаббарберганов сўзга чиқиб Джумуртау станциясидан ортилган вагонлар Ургенч ва Шовот станциясига боргандан кейин, вагондан юкни тушириш жарёнида чузилишлар булаётганлиги ва вагон айланмасига таъсир қилаётгани айтиб утилди.


Ташиш тарифларига чегирмалар тақдим қилиш бўйича берилган саволларга, 2024 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ-1006-сон Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунининг 6 моддаси темир йўл транспорт соҳасини давлат тартибга солиш усулларида бири тариф сиёсати бўлиб, мазкур қонуннинг 7 моддаси 4-қисмида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг темир йўл транспорти соҳасидаги ваколатлари қаторига, давлат томонидан тартибга солинадиган умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти хизматлари учун тарифларни шакллантириш тартибини тасдиқлаш келтирилган ва 30 моддасига асосан, Халқаро қатновларда умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида юкларни ташиш тарифларига чегирмалар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланаши кўрсатилганлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Юқоридагиларни инобатга олиб,

МАЖЛИС ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Юк жўнатувчиларнинг темир йўл орқали ташиш амалга ошириш билан боғлиқ мавжуд муаоммоларини ҳал этиш бўйича чора тадбир ишлаб чиқиш.
2. “Темирйўлқарго” АЖ Қўнғирот филиали бошлиғи (И.М.Уразбаевга)
-юк жўнатувчилар томонидан берилган талабномалари бўйича вагонлар билан ўз вахтида таъминлансин.
3. “Қўнғирот МТУ” филиали ташишларни ташкил этиш ва станция ишлари бўлими бошлиғи ўринбосари (Б.Бисенбаевга)
- Джумуртау станциясидан ортилган вагонларни манзилиги ўз вахтида етказиш бериш ҳамда юклаш учун хар қуни буш вагонлар билан таъминлансин.
4. Ушбу баённома қарори ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Баённома юритувчи



И.М.Уразбаев